# Qishloq hayoti

2013 йил — Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2013-YIL 5-NOYABR, SESHANBA, 133 (8214)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




Ҳисор давлат қўриқхонаси вилоятдаги икки мустақил — Мироқи ва Қизилсув қўриқхоналарини бирлаштириш натижасида ташкил этилган. Ҳозирги кунда Ҳисор давлат қўриқхонаси Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тасарруфида фаолият юритмоқда. 2



Юртимизда коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш, уларнинг ўз тадбиркорлик салоҳиятини рўёбга чиқаришида Агробанк томонидан ҳам кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, қишлоқ жойларда ёшларни иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилиб, ўқув-семинарлари ташкил этилиб келинаётир. 3



Аҳолига, айниқса, қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган автотранспорт хизматлари сифатини янада ошириш мақсадида бугунгача 137 та йўналишда қатновлар амалга оширилмоқда. Ушбу йўналишларга бириктирилган автомобиллар сони эса 1025 тага кўпайтирилган. 4

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

## Куннинг муҳим воқеалари

► Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 28 ноябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида Қорақалпоғистон Республикасида онкология диспансерининг янги биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Қисқа фурсат ичида сифатли бунёд этилган шифохонанинг биринчи қаватида поликлиника, иккинчи қаватида радиология бўлими жойлашган.

► **Андижонда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт ҳамда Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмиталари ҳамкорлигида “Оилавий бизнесни ривожлантириш – аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим омили” мавзусида семинар ўтказилди.**

► Амударё туманининг “Бўстон” овул фуқаролар йиғини ҳудудида “Амударё-метан” масъулияти чекланган жамияти томонидан автомобилларга метан-газ қуйиш шохобчаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Хориждан келтирилган замонавий ускуналар ўрнатилган шохобча соатига 1,5 минг кубометр газни автомобилларга қуйиш қувватига эга.

► **Алишер Навоий номидаги кино саройида “Ўзбеккино” Миллий агентлиги буюртмаси асосида суратга олинган “Пойга” бадиий фильмининг намойиши бўлиб ўтди.**

Андижон Вилояти




Шаҳрихон енгил саноат ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи меҳнат бозорига мультимедиа тизимлари ва дастурий таъминот, компьютер ва компьютер тизимларини созлаш ва таъмирлаш, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, йигирув, тикув ва трикотаж буюмларини ишлаб чиқариш каби йўналишларда мутахассислар тайёрламоқда.

1916 нафар йигит-қиз таҳсил олаётган коллежда 87 педагог ва 21 ишлаб чиқариш устаси таълим-тарбия жараёнига масъул. Бу ерда ёшлар ўзлари танлаган йўналишни пухта ўзлаштириш билан бирга, дарсдан бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун барча шароитлар яратилган. Ўндан зиёд тўгаракларда инглиз тили, компьютер графикаси, пазандалик, чеварлик бўйича қизиқарли машғулотлар олиб борилмоқда.

**Хурсандбек АРАББОЕВ (ЎзА) олган сурат.**

# ОИЛА ҚЎРҒОНИНИНГ МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ

**Пойтахтимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан “Оилани асраш — муқаддас бурчимиз” мавзуида давра суҳбати ташкил этилди. “Обод турмуш йили” Давлат дастури доирасида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Оила” илмий-амалий маркази, Хотин-қизлар қўмитаси мутасаддилари, пойтахтимиздаги маҳалла фуқаролар йиғинлари маслаҳатчилари, фаоллари, таниқли санъат ва маданият намояндалари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.**

Тадбирда сўз олган Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Баситхонова ва бошқалар мамлакатимизда оилаларни қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, миллий қадриятларимизни тиклаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканини таъкидладилар.

Айтиш жоизки, жорий — Обод турмуш йилида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, қолаверса, оилаларнинг фаровонлигини ошириш, оналар ва болалар саломатлигини сақлаш борасида олиб борилаётган ишлар кўлами янада кенгайди. Айниқса, ёш оилаларга намунавий уй-жойлар, турли жиҳозлар учун имтиёзли кредитлар ажратилаётгани оила мустаҳкамлигини таъминлаш, турмуш фаровонлигини оширишда муҳим омиллардан бири бўлаётир.

Оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, турмуш фаровонлигини ошириш, она ва бола саломатлигини сақлаш, қолаверса, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар жиҳатдан комил инсон этиб тарбиялаш борасида тизимли ишлар олиб борилишига қарамай айрим оилаларда арзимас сабаблар билан никоҳни бекор қилиш ҳолатлари учраётгани ташвишлидир.

— Ёш келин-куёвларга янги ҳаёт бўсағасида оила мустаҳкамлиги, ҳар бир оилада эр ва хотиннинг бурч ҳамда масъулияти нималардан иборат эканлигини тушунтиришга ҳаракат қиламиз, — дейди Мирзо Улуғбек тумани ФҲДЁ бўлими ходими Гулчеҳра Юлдошева. — Аммо идорамизга турли оилавий келишмовчиликлар сабаб ажрашиш учун мурожаат қилаётган фуқаролар ҳам бор. Никоҳни бекор қилиш ҳолатларининг сабаблари кўпроқ оилада эр-хотиннинг ўртасида ўзаро муҳаббатнинг йўқлиги, феъл-атворининг тўғри келмаслиги, рўзғордаги турли муаммолар, эр ёки хотиннинг касаллиги, энг ачинарлиси, айрим йигитларнинг гиёҳвандликка берилиб кетиши, қайнона ва келин муносабатларининг бузилиши кабиларга бориб тақалади.

**(Давоми 2-саҳифада)**




Тошкент Вилояти

## ГАЗ ТАЪМИНОТИ ЯНАДА ЯХШИЛАНАДИ

**Ўрта-Чирчиқ тумани маркази — Тўйтепа шаҳрида аҳолининг табиий газга бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш мақсадида 4100 метр масофадаги эски ер ости газ қувурини янгисига алмаштириш борасида қурилиш ишлари тезкорлик билан олиб борилмоқда.**

— Ушбу бунёдкорлик ишлари Президентимизнинг 2013 йил 6 августдаги “2013-2015 йилларда Тошкент вилоятининг йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ижроси доирасида амалга оширилмоқда, — дейди “Ўртачирчиқтумангаз” филиали бошлиғи Рустам Ҳасанов. — Ҳадемай қурилиш-монтаж ишлари ниҳоясига етгач, табиий газ таъминоти янада яхшиланади.

“Ўзтрансгаз” акциядорлик компанияси томонидан молиялаштирилган умумий қиймати 6 миллиард 589 миллион сўмлик мазкур қурилиш ишларини шу ойнинг охиригача якунлаш чоралари кўрилмоқда. Бунинг учун компания қошидаги Суннат Музаффаров бошқараётган “Махсусполимер” қурилиш корхонасининг 40 нафардан зиёд бунёдкори 10 та техника ёрдамида иш олиб бормоқдалар. Ҳозирга қадар 3600 метр газ қувурлари тортилиб, катта ҳажмда қурилиш ишлари амалга оширилди.

Таъмирлаш ишларида корхонанинг Козим Мавлонов, Акбар Раҳимов, Муҳиддин Ўринов ҳамда Мақсуд Тўлқинов сингари ишчи-хизматчилари алоҳида фаоллик кўрсатишмоқда.

**Иброҳим ТОШЕВ**

Қашқадарё Вилояти

## ФАОЛИЯТ КЕНГАЙИБ, ИМКОНИЯТ ОШМОҚДА

**Қамаши туманидаги “Мингнор бобо Эгамназар ўғли” савдо ишлаб чиқариш фирмаси фаолияти йил сайин кенгайиб бормоқда.**

Дастлаб фирма тизимида автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси, сўнгра эҳтиёт қисмлар ҳамда қурилиш материаллари билан савдо қилувчи дўконлар фаолият кўрсата бошлади.

— Яқинда эса 13 гектар майдонда боғ ҳам барпо этдик, — дейди тадбиркор Маматқобил Эгамназаров. — Келгуси йилда боғ ҳосилга киргач, мевани қуритадиган ҳамда шарбат ишлаб чиқарадиган технология олиб келмоқчимиз.

Қолаверса, 2011 йили тумандаги Оқработ қишлоғида икки гектарлик кўл ташкил этиб, балиқчиликни йўлга қўйдик. 2012 йилда 10 тонна балиқ етиштирилди. Жорий йилда 100 тонна балиқ етиштириб, соф фойдани 20 миллион сўмга етказамиз.

Ҳа, фирма жамоаси эзгу ишлари билан барчага ўрнак бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, работлик ёшларни нафақат иш билан таъминлашга, балки уларни тадбиркорликнинг сир-асрорларини пухта эгаллашга ундамоқда.

**Ҳусан ТЕМИРОВ**

Сурхондарё Вилояти

## ИНТЕНСИВ БОҒ ҲОСИЛИ МЎЛ

**Денов туманидаги “Хумоюн-А” фермер хўжалиги раҳбари Адҳам Мўминов ташаббускорлиги ва ишбилармонлиги билан ном қозонган.**

Фермер банкдан 7 йил муддатга 180 миллион сўм кредит олиб, 3 гектарлик интенсив боғ барпо қилди. Боғ ташкил қилишдан аввал унинг технологияси билан яқиндан танишди.

— 2012 йилда уч гектар майдонга 7200 дона олма кўчати ўтқаздик, — дейди Адҳам Мўминов. — Интенсив боғ жиҳозлари хориждан келтирилди. Кўчатлар устига ёзда махсус соябонлар тутдик. Бу соябон тўрлар иссиқ ҳаво ҳароратини 30 фоизга камайтиради. Шу билан бирга, ниҳоллар ҳосилини қаттиқ дўл ва кучли ёмғирдан асрайди. Пишиб етилган олмада доғ пайдо бўлишининг олдини олади. Шунингдек, боғимизда томчилатиб суғориш тизимини жорий қилганмиз. Бу усулнинг қулайлик жиҳати шундаки, кўчатлар озиқлантирилганда минерал ўғит тўғридан-тўғри унинг тагига тушади. Ариқ қазиб интенсив боғ ташкил қилганда пакана олма ниҳоллари 20 йил яшаса, томчилатиб суғориш усулидан фойдаланилганда, бу 30 йилгача давом этади.

Адҳам Мўминов Олтиариқдан олиб келган “Ризамат ота”, “Қора дамский палочка”, “Мерс” навли узум кўчатларини кўпайтириб, 3 гектарлик узумзор ташкил қилишни ҳам режалаштирмоқда.

Фермернинг бошқа экинлардан ҳам мўл ҳосил олаётгани эътиборга моликдир. Хуршид Мўминов, Холёр Зокиров, Камолиддин Мўминовдек ишбилармон боғбонлар Адҳам Мўминовнинг яқин кўмакчилари.

**Нигина ШОЕВА**

# ЎЗБЕКИСТОН САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ ЛОНДОНДАГИ НАМОЙИШИ

БУЮК БРИТАНИЯ ПОЙТАХТИ ЛОНДОН ШАҲРИДА «WORLD TRAVEL MARKET – 2013» ХАЛҚАРО ТУРИЗМ КЎРГАЗМАСИ БОШЛАНДИ. УНДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ ҲАМ КЕНГ НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА.

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда туризм саноатини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Жаҳон сайёҳларининг қизиқиш ва талабларига жавоб берадиган замонавий шарт-шароитлар яратилиб, саёҳат йўналишлари кенгайтирилмоқда. Юртимиздаги дунёга машҳур қадимий обидалар, қадамжолар, истиқлол йилларида бунёд этилган замонавий иншоотлар, гўзал табиий гўшалар, ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, ўзбекона меҳмондўстлик мамлакатимизга келаётган сайёҳлар оқимини янада кўпайтиришга хизмат қилмоқда.**



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ амалга оширилаётган ишлар самарасида миллий туристик хизматларимиз халқаро сайёҳлик бозорларидан кенг жой олмоқда.

“Ўзбектуризм” миллий компанияси мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини жаҳонга кенг танитиш мақсадида халқаро фирма ва компаниялар билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Турли давлатларда ўтказилаётган кўргазма ва ярмаркаларда фаол иштирок этмоқда.

“World Travel Market – 2013” халқаро туризм кўргазмаси Ўзбекистоннинг сайёҳлик соҳасидаги салоҳиятини янада кенгроқ намойиш этиш учун яна бир яхши имкониятдир.

1980 йилдан буён ўтказиб келинаётган ушбу нуфузли кўргазма сайёҳлик саноатининг барча замонавий йўналишларини қамраб олган. Унда дунёнинг энг йирик фирма ва компаниялари, машҳур туроператорлар иштирок этади. Бу йилги анжуманда икки юзга яқин мамлакатдан қарийб беш ярим минг компания, йигирма уч мингдан зиёд соҳа вакиллари қатнашмоқда. Спорт, элита, экстремал ва фаол туризм, круиз, меҳмонхона ва ресторан сервиси, инновациялар ва замонавий технологиялар, онлайн саёҳат, авиаташув каби йўналишлар бўйича сайёҳлик хизматлари намойиш этилмоқда.

“Ўзбектуризм” миллий компаниясидан маълум қилишларича, шарқона дизайн, миллий матолар ва атрибутлар билан безатилган “Ўзбекистон” стенди кўргазма иштирокчилари ва меҳмонлари эътиборини тортмоқда. Мамлакатимиздаги тарихий обидалар, халқимизнинг миллий анъана ва қадриятлари акс эттирилган, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз ва Тошкент каби қадимий ва навқирон шаҳарларимизнинг диққатга сазовор жойларига оид ранг-баранг маълумотлар ярмарка иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

“World Travel Market – 2013” халқаро сайёҳлик кўргазмасида мамлакатимизнинг “Ўзбектуризм”, “Ўзбекистон ҳаво йўллари”, “Ўзбекистон темир йўллари” каби компаниялари иштирок этаётир.

Ушбу халқаро кўргазма жаҳон жамоатчилигини мамлакатимиз сайёҳлик саноати имкониятлари билан кенг таништириш, хорижий компаниялар билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, икки ва кўп томонлама манфаатли шартномалар тузиш, туризм ривожининг замонавий тенденцияларини аниқлаш, жаҳон сайёҳлик бозоридаги янгиликлар ва ўзгаришлар билан яқиндан танишиш, бу борада ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконини беради.

**Нодира МАНЗУРОВА, ЎзА мухбири.**

Навоий Вилояти

МЕЛИОРАЦИЯ

# УНУМДОР БЎЛИБ ТУПРОҚ, ДАРОМАД БЎЛДИ КЎПРОҚ

***Деҳқонлар ютуқларининг бош омили, аввало, ерга – тупроқ унумдорлигига боғлиқ. Унумдор тупроқли ердагина ҳосил мўл, сифатли бўлади, деҳқоннинг меҳнати изсиз кетмайди. Шу боис, мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини оширишга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Айниқса, Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда унинг ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган Давлат дастури бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтирди. Шулар асосида олиб борилган кенг кўламли ишлар натижасида минглаб гектар ерларнинг тупроқ унумдорлиги яхшиланиб, деҳқон меҳнати самараси ошди.***



Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 19 апрелдаги "2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори эса бу борадаги ишларни янада жадаллаштирди. Тизимда яратилган қатор имконият ва имтиёзлар, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга доир илғор технологияларни жорий этиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар ирригация тизими корхоналари зиммасидаги масъулиятни оширди. Шундан келиб чиққан ҳолда Навоий вилоятида ҳам бу борада қатор чора-тадбирлар белгиланиб, кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир.

Айтиш керакки, Навоий вилоятининг чўл ҳудудида жойлашган экин майдонларининг мелиоратив ҳолати анча мураккаб. 2008-2012 йилларда ана шундай мураккаб ҳолатни бартараф этиш мақсадида биргина Қизилтепа туманида 30 та лойиҳа доирасида 11 миллиард 719 миллион сўмлик иш бажарилди. Жумладан, 98 километр узунликдаги коллекторлар қурилди ва реконструкция қилинди. 931 километр масофадаги коллекторларнинг дренаж тармоқлари созланди. Ўртачўл массивидаги «Юлдуз» мелиоратив насос станцияси реконструкция қилиниб, сув чиқариш қуввати оширилди. «Манзарак» ва «Юлдуз» коллекторларида мелиоратив насос станциялари қурилди. 18 километр масофада «Хўжаболта», 12 километрлик «Хўжа-Ҳасан» коллекторлари қазилиб, фойдаланишга топширилди.

Ўртачўл массивида умумий узунлиги 37 километрлик учта коллектор реконструкция қилинди ҳамда яроқсиз ҳолатга келган 22,5 километр масофадаги ёпиқ-ётиқ дренажлар ўрнига очиқ коллектор-дренаж тармоқлари барпо этилди. Тумандаги мавжуд 83 та зах қочириш қудуғининг 44 таси реконструкция қилиниб, қайта тикланди. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини назорат қилишни такомиллаштириш мақсадида янгидан 65 та кузатув қудуғи қурилди.

— Туманимизда 2008-2012 йиллар давомида 30,3 минг гектар суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, — дейди Қизилтепа тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғининг ўринбосари Толиб Қодиров. — Шунингдек, ер ости сизот сувлари сатҳини пасайтиришга ва тупроқ унумдорлигини оширишга эришилди. Энг муҳими, мелиоратив тадбирлар амалга оширилган ҳудудларда пахта ҳосилдорлиги 2-3 центнерга, ғалла ҳосилдорлиги эса 4-5 центнерга ошди.

– Очиғи, ҳудудимизда мелиорация тадбирлари амалга оширилгунга қадар еримиз анча "чарчаб" қолган, бунинг устига шўрланиш даражаси кучли эди, – дейди тумандаги "Кубаро-Диёр" фермер хўжалиги раҳбари Хуршид Раҳмонов. – Чўл шароитидаги бундай ерда деҳқончилик қилишнинг ўзи бўлмайди. Аммо энди ҳаммаси ўзгарди. Президентимиз раҳнамолигида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусан, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилаётган эътибор туфайли экин майдонларимизнинг тупроқ унумдорлиги сезиларли даражада ошди. Ҳосил салмоғи ортиб, сифати тобора яхшиланиб бормоқда. Бундан ташқари, ўз маблағимиз ҳисобидан зах қочириш мақсадида 10 километрга яқин зовурни тозаладик, иккита артезиан қудуқни ишга туширдик.

Туманда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ирригация тизимини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишлар жорий йилда ҳам жадал давом эттирилмоқда. Жумладан, шу йилнинг ўзида туманда олтита лойиҳа доирасида 3 миллиард 696 миллион сўмлик мелиоратив тадбирларни амалга ошириш белгиланган. Бунинг натижасида 4155 гектар ер майдонининг мелиоратив ҳолати яхшиланади. Ушбу лойиҳалар асосида 24 километр узунликдаги коллекторлар реконструкция қилинади, 5,2 километр ёпиқ-ётиқ дренаж қурилади, 10 та тик қудуқ қайта тикланади ва 84 километр коллектор-дренаж тармоқларида таъмирлаш ва тиклаш ишлари амалга оширилади.

Айни пайтда "Тошработ" массивида «Узлишкент», Ўртачўл массивида «1-4-8д» коллектор тизимларини реконструкция қилиш, «Гулбоғ» ва «Манзарак» коллекторларини тизимли таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилмоқда. 2014 йилда эса 7110 гектар ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 7 та лойиҳани амалга ошириш ишларига мелиорация жамғармаси томонидан 4 миллиард 110 миллион сўм ажратилиши кўзда тутилмоқда.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Фарғона Вилояти

# ЮКСАК ХИРМОН — ФАРОВОНЛИК АСОСИ

МАЪЛУМКИ, МАМЛАКАТИМИЗ ПАХТАКОРЛАРИ 3 МИЛЛИОН 350 МИНГ ТОННАДАН ЗИЁД ХИРМОН БУНЁД ЭТИБ, КАТТА МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИГА ЭРИШДИЛАР. ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ПАХТАКОРЛАРИ ҲАМ ЮҚОРИ НАТИЖАЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТИБ, ДЕҲҚОНЛАРИМИЗНИНГ УШБУ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИГА МУНОСИБ УЛУШ ҚЎШИШДИ.

Эришилган ушбу муваффақият замирида, аввало, мустақилликнинг деҳқонларимизга берган бемисл имкониятлари турибди. Зеро, Президентимиз раҳнамолигида истиқлол йилларида ер ўзининг ҳақиқий эгасини топди. Мулкчилик шакли ўзгариб, деҳқон ҳам яратиш, яшнатиш иштиёқида меҳнат қила бошлади. Деҳқон меҳнати қадр топиб, ернинг ҳақиқий эгаси эканини ҳис этди. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, соҳадаги барча жараёнларнинг тобора такомиллаштирилиши, фермерлик ҳаракатининг ҳар томонлама мукаммаллаштирилиши ва янада кўпроқ қўллаб-қувватланиши, хўжаликлар моддий-техник базасининг йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораётгани шундай дейишимизга асос бўлади.

Вилоятнинг Тошлоқ, Учкўприк, Ўзбекистон туманлари деҳқон ва фермерлари белгиланган режани 20-25 иш кунида бажариб, кўпчиликка ўрнак ва намуна бўлдилар. Деҳқонларимиз таъкидлашганидек, ютуқлар омили – давлатимиз томонидан яратиб берилаётган шароитда. Мисол учун, таъминот тизимини олайлик. Фермерларга имтиёзли кредитлар ажратиш, уруғлик, ёқилғи-мойлаш материаллари ва ўғитни дала бошигача етказиб бериш йўлга қўйилган.

Пахта етиштиришда ҳар бир йилнинг ўзига хос қийинчиликлари бўлади. Ҳамма гап ишни тўғри ташкил этишда. Жорий йилги мавсум ҳам пахтакорларимиз учун катта синов бўлди. Баҳорнинг серёмғир, ёзнинг ғоят жазирама келиши агротехника тадбирларини ҳар қачонгидан кўпроқ ва самаралироқ ўтказишни тақозо этди.

– Пахтачиликдаги агротехник тадбирларнинг вақтида, сифатли ўтказилгани, яъни ғўзани озиқлантириш, қатор ораларига ишлов бериш, чуқур юмшатиш, суғориш, бегона ўтлар, касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш тадбирлари тизимли равишда олиб борилгани бугун ўз самарасини кўрсатиб турибди, – дейди Тошлоқ тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Илҳомжон Ғофуров. – Аксарият фермерларимиз белгиланган шартномавий режани ортиғи билан уддалашди. Анорхон Хотамова бошлиқ "Оббос Мирзо", Исмоилжон Абдураҳмонов раҳбарлигидаги "Мадумар Раҳмон Карим файз", Икромжон Луқмонов етакчилигидаги "Луқмонов", Ғуломқодир Жўраев бошлиқ "Ботирали Ғуломқодир файз" фермер хўжаликларида ҳосилдорлик 42-46 центнерга етди. Бунга ер унумдордорлигининг оширилиши эвазига эришилаётгани қувонарли, албатта. Мамлакатимизда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида қабул қилинган махсус давлат дастури юзасидан олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳам ана шундай юқори ҳосилдорликни таъминлади.

Таъкидлаш жоизки, пахтачиликда юқори натижаларга эришаётган фермерлар олинган даромад эвазига хўжалик моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш баробарида қўшимча тармоқларни ишга туширишга ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бу эса, ўз навбатида, қишлоқларимизни обод этиш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилаётир.

**Ҳамиджон БУРҲОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

## ОИЛА ҚЎРҒОНИНИНГ МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ

**(Боши 1-саҳифада)**

Оилаларни юқоридаги сабаблар билан барбод бўлиши, энг биринчи навбатда, ёшлар, ҳар бир ота-она, маҳалла, хотин-қизлар қўмиталари ва бошқа жамоат ташкилотлари олдига жамиятда оиланинг тутган ўрни нечоғлик аҳамиятга эгалигини теран англашни талаб этади. Энг ачинарлиси, барбод бўлган оилаларда вояга етган фарзандларнинг маънавий тарбияси жамиятнинг оғриқли нуқтасига айланишидир.

— Ўтмишда илму маърифатли, ёши улуғ инсонлар оила мустаҳкамлиги, тинч-тотувлиги учун масъул саналган, — дейди Республика Маънавият-тарғибот маркази бўлим мудири Зиёда Ғаффорова. — Улар оила қўрғонининг муқаддаслигини, панд-насиҳатлар, ҳаётий мисоллари орқали ёшлар онгига сингдирганлар. Ғоявий курашлар авж олиб бораётган ҳозирги даврда маънавий-маърифий ишларни кучайтиришда, айниқса, ёшларнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, уларни мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилишда кенг жамоатчиликнинг фидойилигига кўп нарса боғлиқ.

Ҳа, оилавий тотувликни таъминлаш, айниқса, ёш оилани ҳаётнинг турли тўфонларидан асраш, унинг оёққа туриб олиши учун елкадош бўлиш, бу борада зарур кўмак, маслаҳат кўрсатиш юрт ва миллат тақдирига қайғуриш демакдир. Шундай экан, оилани мустаҳкам қўрғонга айлантириш баробарида Ватан, халқ орзу-умиди ва мақсадларини, келажагини асрашга ҳар биримиз масъулмиз. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, "...Бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, ҳаёт абадийлиги, бебаҳо неъмат бўлмиш фарзанд бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша келажагини ўйлаб, эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди".

**Гулноза ТУРҒУНБОЕВА**

Бухоро Вилояти



*Баҳодир Ҳалимов ва "Харҳўр-Дуоба" ирригация тизими бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Зайниддин Ҳамдамов.*

# Баҳодир миробнинг хислати сероб

**Баҳодир Ҳалимовни пешкулик деҳқонлар жуда яхши билишади ва унинг исмига "мироб" сўзини ҳам қўшган ҳолда ҳурмат билан тилга олишади. Сабаби Баҳодир аканинг бутун меҳнат фаолияти туман сув хўжалиги тизими ташкилотларида кечган. Бугунги кунда у туманда ирригация соҳасида фаолият юритиб, ўзининг камтарона хизмати билан элимизнинг ризқу насибасини яратаётган пахтакору ғаллакорларга, боғбону соҳибкорларга камарбаста бўлишдек эзгу ишга муносиб ҳисса қўшиб келяпти.**

Ўтган давр мобайнида катта тажриба тўплаб, ўз касбининг устаси бўлган Баҳодир Ҳалимовнинг яна бир ажойиб хислати бор. У ҳам бўлса, соҳанинг ёш мутахассисларига билганларини ўргатишдан сира эринмайди. Шу боис, бугун туманда иш олиб бораётган кўплаб сув хўжалиги тизими ходимлари Баҳодир акани ўзларининг устози деб билишади.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллик байрами арафасида унинг узоқ йиллик самарали меҳнати давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди — "Фидокорона хизматлари учун" ордени билан мукофотланди.

— Ушбу юксак мукофот менга билдирилган ишонч ва рағбат намунасидир. Ана шу рағбат зиммамдаги масъулиятни янада кучайтирди, — дейди Баҳодир Ҳалимов.

**Ҳамроз АЛИ олган сурат.**

Наманган Вилояти

# МИНГБУЛОҚЛИК МИРИШКОРЛАР

**Мингбулоқ туманидаги "Сайдали ҳожи" фермер хўжалиги аъзолари жорий йил пахта ҳосили учун мавжуд экин майдонининг 46,7 гектарига ғўзанинг "Андижон-35" навини экишиб, мўлжалдаги 147,7 тонна ўрнига 193,7 тонналик юксак пахта хирмонини бунёд этишди. Ҳар гектар ердан олинган ўртача ҳосилдорлик 41,5 центнерга тўғри келди. Йиллик режа 131,1 фоизга уддаланди. Ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга сотилгани боис даромад янада ортди.**

— Бу йилги қўлга киритилган меҳнат ютуғимизда механизатор Валижон Эргашев, сувчилар Баҳриддин Арслонов, Олимжон Эргашев, Акромжон Бойназаров, ишчилар Насиба Ҳолиқова, Сапура Тошболтаева, Раъно Хўжаева ва бошқаларнинг ҳиссаси катта бўлди, — дейди фермер Машраббой Акбаров. — Хўжалигимиз аъзолари орасида ерга меҳр қўйган кишилар кўпчиликни ташкил этгани боис, ҳар йили деҳқончиликда баракали хирмон кўтариб келиняпти. Пиллачилик, ғаллачилик ва пахтачилик йўналишларидаги ютуқларимиз моддий-техник базамизнинг мустаҳкамланишига хизмат қилиб, янги имкониятлар эшигини очаётир. Жумладан, жорий йилда олинган соф фойда ҳисобидан мўъжазгина дала шийпони бунёд этдик. Шунингдек, қўшимча тармоқларни ишга тушириб, янги иш ўринлари яратдик.

— Туманимизда илғор фермерлар кўпчиликни ташкил этади, — дейди Мингбулоқ тумани ҳокими Бозорбой Ҳайдаров. — Улар қаторида бўлган Усмонжон Эрқулов бошчилигидаги "Эрқулов У.Б.", Шуҳратжон Йўлдошев раҳбарлик қилаётган "Шоҳрух Йўлдошев", Нормамат Акбаров етакчилигидаги "Нурали Сайдалиевич", Иброҳим Акбаров бошчилигидаги "Мулкобод орзулар диёри", Рустамжон Суяров раҳбарлигидаги "Суяр қул ота" фермер хўжаликларида ҳам ҳар гектаридан олинган ўртача пахта ҳосилдорлиги 40 центнердан ошди. Тумандаги экин майдонларининг асосий қисми шўрхок ва шўртоб эканини ҳисобга оладиган бўлсак, суғориладиган майдонларда зарур агротехник тадбирларнинг ўз вақтида, сифатли олиб борилаётгани муваффақиятлар омили бўлмоқда. Масалан, "Суярқул ота" фермер хўжалигининг экин майдонлари асосан Марказий Фарғона чўллари ўрнидан ўзлаштирилган ерларга тўғри келади. Рустамжон Суяров бошчилик қилаётган фермер хўжалик аъзолари халқимизнинг "Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда", деган ҳикматига амал қилишиб, чигит экиладиган майдонларни айни вақтида, сифатли шудгорлаб, ерлар нишаблигига қараб текислашганди. Қишнинг чилласида ер шўрининг оби-тобида ювилгани, ғўза парваришидаги ҳар бир агротехник тадбирнинг ўз вақтида ўтказилгани юксак пахта хирмонига мустаҳкам замин яратди. Натижада хўжаликнинг пахта тайёрлаш режаси 220 фоизга уддаланди.

Мингбулоқлик фермерлар айни кунларда келгуси йил ҳосили учун 8965 гектар майдонга буғдойнинг "Чиллаки", "Таня", "Восторг" каби истиқболли навларини экиб, кузги-қишги дала юмушларига зўр беришяпти. Ҳозирда бир текис ундириб олинган ғалла майдонларини озиқлантириб, суғориш ишларига 1151 нафар сувчи жалб этилиб, улар учун қулай меҳнат шароитлари яратилган. Буғдой майсаларини чорва молларидан асраш учун экин майдонларига четан тортиш, дала четларига маҳаллий ўғит жамғариш ишлари ҳам авж олдирилиб, юқори ҳосилдорлик учун ҳозирдан пойдевор қўйилмоқда.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Қашқадарё Вилояти

# ТАБИИЙ ҲУДУДЛАР ВА ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИ ДОИМИЙ МУҲОФАЗАДА

**Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган тадбир "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги ва "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг давлат органлари томонидан ижро этилишини Ҳисор ва Китоб давлат қўриқхоналари мисолида ўрганиш якунларига бағишланди.**



*"Ҳисор" давлат қўриқхонаси.*

Асқар ЁҚУБОВ (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси ҳамда Халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан ташкил этилган қўшма йиғилишда сенаторлар, Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг доимий комиссиялари аъзолари, вилоятдаги жамоат ташкилотлари раҳбарлари, бошқа тегишли ташкилот ва муассасалар вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси Ҳамробой Раззоқов, ушбу қўмитада доимий асосда ишловчи сенатор Холмурод Каримов, Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси Давлат бионазорати бўлими бошлиғи Ўлмас Собиров ва бошқалар соҳада олиб борилаётган кенг кўламли ишлар самарасига алоҳида тўхталдилар.

Таъкидландики, мамлакатимизнинг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизимига тўққизта давлат қўриқхонаси, иккита миллий табиат боғи, 10 та давлат буюртмахонаси ва битта ноёб ҳайвонлар турларини парваришлаб кўпайтиришга ихтисослаштирилган "Жайрон" экомаркази киради. Бугунги кунда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ер майдони 2 миллион 340 минг 790 гектарни ташкил қилади.

Ҳисор давлат қўриқхонаси вилоятдаги икки мустақил — Мироқи ва Қизилсув қўриқхоналарини бирлаштириш натижасида ташкил этилган. Ҳозирги кунда Ҳисор давлат қўриқхонаси Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тасарруфида фаолият юритмоқда. Қўриқхонанинг ер майдони 80 минг 986 гектардан иборат бўлиб, шундан ўрмон билан қопланган ҳудуд 24 минг 308 гектарга, қалин ўрмонзорлари 11 минг 483 гектарга тўғри келади.

Китоб давлат геологик қўриқхонаси эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Қарори билан ташкил этилган ҳамда умумий майдони 3 минг 938 гектардан иборат. Қўриқхона Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тасарруфида. Қўриқхона ҳудудида ўрмон билан қопланган ер майдони жами 927 гектарни ташкил этади.

Ўрганиш якунлари шуни кўрсатмоқдаки, ҳар иккала қўриқхона фаолиятида ҳам тегишли қонун ҳужжатларини ижро этиш борасида ижобий ишлар билан бир қаторда ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар мавжуд. Хусусан, қўриқхоналар инспекция ходимлари сонини қайта кўриб чиқиш талаб этилади. Шунингдек, қўриқхоналарда тўлақонли фаолият учун зарур шароитларни янада такомиллаштириш лозим. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, қўриқхоналарда ўрмонларни табиий ҳолда қайта тиклаш, ўрмон билан қопланган майдонларни кенгайтириш ишларини баҳолаш мезони сифатида мавжуд ўрмонларни давлат маблағлари ҳисобидан хатловдан ўтказиш ишлари ҳар ўн йилда бир марта амалга оширилиши кераклиги белгилаб қўйилган. Лекин ҳозирги кунгача бу борада ҳеч қандай ишлар олиб борилмаган.

Қўшма йиғилишда бу каби камчиликларни бартараф этиш, мутасадди тузилмаларга қўриқхоналарда илмий-тадқиқот ишларини янада ривожлантириш учун уларни замонавий асбоб-ускуналар билан тўлақонли таъминлаш, ҳайвонот дунёси давлат кадастри ва мониторингини юритиш ишларида фаолиятни кучайтириш юзасидан тавсиялар берилди.

Қўшма йиғилишда вилоят ҳокими З.Рўзиев иштирок этди.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Қашқадарё вилояти

# ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАРГА САРМОЯЛАР

## БУ ЭСА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

**Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда фермер хўжаликлари тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда, ҳудудларда саноатни ривожлантиришда, аҳоли фаровонлигини оширишда асосий тармоқлардан саналади. Бугунги кунда молия муассасалари томонидан уларнинг ўз вақтида молиявий қўллаб-қувватланаётгани, истиқболли лойиҳалари ҳаётга татбиқ этилаётгани соҳанинг ривожланишига, пировардида янги иш ўринлари барпо этилишига омил бўлаётир.**



Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Таъкидлаш жоизки, истиқболли лойиҳаларни қўллаб-қувватлашда "Агробанк" ОАТБнинг ҳам муносиб ўрни бор. Буни банкнинг Қашқадарё вилояти бошқармаси томонидан амалга оширилаётган ишларда ҳам кўриш мумкин.

Президентимиз томонидан 2013 йилнинг "Обод турмуш йили" деб номланиши ва шу асосда Давлат дастури қабул қилингани аҳоли ҳаёт даражасини юксалтириш, уларнинг турмуш фаровонлигини ошириш йўлида изчил амалга оширилаётган ишлар кўламини янада кенгайтириб юборди.

Мазкур Давлат дастури доирасида кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари ташкил этишга қаратилган кўплаб лойиҳалар рўёбга чиқарилаяпти. Бу жараёнда Агробанк ўзининг замонавий хизматлари билан муносиб иштирок этаётир.

Банк томонидан соҳа ривожига кўрсатилаётган хизматларни рақамлар шарҳида кўриб чиқсак, амалга оширилаётган ишларнинг ҳажми ва салмоғи янада ойдинлашади.

2013 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, "Агробанк" ОАТБнинг Қашқадарё вилояти бошқармаси томонидан кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 30 миллиард сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратилди. Ушбу кредитлар ҳисобига 2000 га яқин янги иш ўрни яратилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириб, яхши натижа ва муваффақиятларга эришаётган, шу билан бирга, ҳам оиласи, ҳам маҳалласига нафи тегаётган тадбиркору ишбилармонлар талайгина. Ана шундай тадбиркорлардан бири Озода Пардаевадир.

– Доимо яхши ният ва мақсадни ўз олдига қўйиб, бирор ишни бошлаган инсон меҳнати ортидан, албатта, ютуқ-муваффақиятга ҳамда улкан марраларга эришади, – дейди Қарши шаҳридаги "Софан" хусусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Озода Пардаева. – Нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда янги иш ўринларини кўпайтириш, қолаверса, аҳолини ушбу маҳсулот билан тўлароқ таъминлаш мақсадида банкнинг Қарши шаҳри филиалидан кредит олдик. Сармоя ҳисобига корхонага замонавий ускуналар ўрнатилиб, 6 киши иш ўрнига эга бўлди. Айни пайтда корхонамизда нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш сифати ва салмоғи ортиб бораётир. Қолаверса, келгусида фаолиятимизни кенгайтириб, маҳсулот турини кўпайтирмоқчимиз. Бунда ҳам банкнинг мададига суянамиз.

Бугунги кунга келиб, банкнинг вилоят бошқармаси филиалларида 1285 дан ортиқ тадбиркор аёлга хизмат кўрсатиб келинмоқда. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида тадбиркорлик билан шуғулланаётган аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 3 миллиард сўмга яқин кредит маблағлари ажратилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, юртимизда коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш, уларнинг ўз тадбиркорлик салоҳиятини рўёбга чиқаришида Агробанк томонидан ҳам кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, қишлоқ жойларида ёшларни иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилиб, ўқув-семинарлари ташкил этилиб келинаётир. Бу ишларнинг самараси ўлароқ кўпгина ёшлар кичик бизнес билан шуғуллана бошлашди. 2013 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, коллеж битирувчиларининг истиқболли лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 285 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди.

Мамлакатимизда аҳолининг озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ таъминлаш, ички истеъмол бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган сифатли ва арзон товарлар билан тўлдириш, қишлоқ жойларда замонавий технологиялар билан жиҳозланган қайта ишловчи корхоналарни барпо этишга ҳам банкнинг вилоят бошқармаси филиаллари томонидан сармоялар йўналтирилмоқда. Натижада ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, аҳоли фаровонлиги ошмоқда.

Банк томонидан жорий йилнинг тўққиз ойи давомида вилоятда озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга 12,7 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Бунинг эвазига кўплаб янги иш ўринлари ташкил этилиб, аҳолига зарур маҳсулотлар етказиб берилаётир.

Вилоятда сервис соҳасини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратиляпти. Яъни хизмат кўрсатиш тизимини янги босқичга кўтариш ва шунинг ортидан кўплаб янги иш ўринлари яратишни мақсад қилган кичик бизнес субъектлари банк томонидан доимо қўллаб-қувватланмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг шу кунига қадар ана шундай 128 та хўжалик юритувчи субъектга 1 миллиард 400 миллион сўмдан ортиқ кредит маблағлари йўналтирилди. Кредит маблағлари ҳисобига маиший ва хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланиб, бу қишлоқ жойлардаги аҳолининг маиший турмуш шароитини янада яхшилашга сабаб бўлмоқда.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишга давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Юртбошимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, деҳқон ва фермер хўжаликларини янада тараққий эттириш мақсадида татбиқ этилаётган янгиликлар соҳа ривожида сифат жиҳатидан янги саҳифа очди.

Айни пайтда тармоққа замонавий технологияларни жалб этиш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш, консалтинг марказлари, шунингдек, кооперациясининг турли шаклларини ташкил этиш ва кенгайтириш масалаларига устувор аҳамият берилаяпти.

Шундан келиб чиқиб, Агробанкнинг вилоят бошқармаси томонидан жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичиликни ривожлантиришга ҳамда боғлар ташкил этишга 5 миллиард сўмдан ортиқ кредит маблағлари йўналтирилди.

– Бугунги кунда Президентимиз раҳнамолигида фермерлик ҳаракатини янада тараққий эттиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, натижада биз, фермерларга қўшимча имтиёз ҳамда преференциялар яратиб берилаётгани эришаётган ҳар бир ютуқ ва муваффақиятларимизда намоён бўлмоқда, – дейди Нишон туманидаги "Эгамбердиев Унбар" фермер хўжалиги раҳбари Унбар Эгамбердиев. – Обод турмуш йилида хўжалигимизда кўп тармоқлиликни ривожлантириш, яъни асаларичиликни йўлга қўйишни ният қилиб, Агробанкнинг Нишон филиалидан кредит олдик. Кредит ҳисобига асалари парваришини йўлга қўйиб, 3 та иш ўрни ташкил қилдик. Келгусида тармоқни янада кенгайтириб, даромадимизни оширмоқчимиз. Бунда ҳам бизга банкнинг сармоялари мадад бўлишига ишонамиз.

Сирасини айтганда, юртимизда қулай ишбилармонлик муҳити яратилгани ҳамда Агробанк томонидан мижозларга, фермеру тадбиркорларга тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиш кўлами кенгайиши иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ҳамда аҳоли фаровонлиги янада ошишига хизмат қилмоқда.

**Озод ОЧИЛОВ**

*Қишлоқ хўжалигининг пахтачилик, ғаллачилик ва бошқа тармоқларидан мўл ва сифатли ҳосил олишда агрокимё хизматининг ўрни катта. Бу фан ютуқлари ва илғор тажрибаларда исботланган. Чунки етиштириладиган ҳосилнинг ярми агрокимё хизмати доирасида шаклланади.*

# ФЕРМЕРЛАР УЧУН МУҲИМ ҚЎЛЛАНМА

Қолаверса, бу борадаги ишлар яхши йўлга қўйилган ҳудудларда тупроқ унумдорлиги ҳам доимий тарзда ошиб боради. Бироқ тан олиш керак, ҳозирда ҳамма жойда ҳам агрокимё хизматини талаблар даражасида дейиш қийин. Бу эса айрим ҳудудларда тупроқ унумдорлигининг пасайишига олиб келмоқда.




Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти профессори, қишлоқ хўжалик фанлари доктори Исматулла Эрназаров, Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг етакчи илмий ходими, қишлоқ хўжалик фанлари доктори Рихсибой Тиллаев ва қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Шуҳрат Эрназаров томонидан ишлаб чиқилган "Пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида илмий-амалий асосда агрокимё хизматини жорий этиш бўйича қўлланма" ана шу ҳолатларнинг олдини олиш, яъни агрокимё хизматидан тўғри ва самарали фойдаланиш масалаларига бағишланган. Қўлланма "Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси" Давлат дастури доирасида "Республиканинг жадал деҳқончилик юритиш тизимида (ғўза-ғалла) агрокимё хизматини илмий-амалий асосда ташкил этиш" лойиҳасининг амалга оширилиши бўйича йўриқнома сифатида тузилган. Унда фермер хўжаликлари ерларининг унумдорлик диагностикасининг назарий ва амалий асослари ҳамда уни амалга ошириш тартиби батафсил ёритилган. Энг муҳими, қўлланмада ернинг ҳақиқий ҳолати бўйича экинлар ҳосилдорлиги ва тупроқ унумдорлигига бевосита таъсир этувчи 16 параметр 5 баллик (жуда юқори, юқори, ўртача, паст ва жуда паст) тизимга келтирилиб жадвал орқали акс эттирилган. Умуман олганда, ушбу қўлланма мамлакатимизнинг суғориладиган ерларида пахта ва кузги буғдой етиштиришда қайси ўғитни, қачон, қанча меъёрда қўллаш бўйича экин майдонларининг тупроқ унумдорлиги параметрлари диагностик маълумотлари асосида компьютерлаштирилган дастурда тузилган ўғитлаш йиллик режа-тавсиянома ва ундан самарали фойдаланишни назарда тутади.

Мухтасар айтганда, ушбу қўлланма мамлакатимиз фермерларининг пахтачилик ва ғаллачиликда янада юқори натижаларга эришишда қўл келади.

**Шукур ЖУМАЕВ,**
**Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти Қашқадарё филиали директори.**

○ Эълонлар

# «KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖНИНГ ҲУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ

### СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

**I. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар ҳокимининг 2013 йил 28 октябрдаги 1/01-516-сонли алоқа хатига, 2013 йил 20 февралдаги 230-сонли фармойишига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қуйидаги ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи такроран қўйилмоқда:**

**1.** Гулистон шаҳар Сайхун кўчаси ҳудудидаги бўш турган майдондан умумий сатҳи 400,0 кв.м.дан иборат 10-сонли 1 қаватида савдо дўкони ва маиший хизмат кўрсатиш объекти бўлган кўп қаватли турар-жой биносини қуриш учун ажратилган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 198 540 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Гулистон шаҳар архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 2014 йил апрель ойигача амалга оширилиши лозим.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунларида қабул қилинади ва 2013 йил 20 ноябрь куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ДАТ (ОАЖ) "Асакабанк" Сирдарё вилояти филиалидаги 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519. х/рга тўлашлари шарт.

Талабгорларнинг конвертлари Гулистон шаҳар ҳокимлиги биносида 2013 йил 21 ноябрь куни соат 11:00 да очилади, 2013 йил 21 ноябрь куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2013 йил 21 ноябрь танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2013 йил 6 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2013 йил 5 декабрь куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Гулистон шаҳар ҳокимлиги биносида 2013 йил 6 декабрь куни соат 11:00 да очилади. 2013 йил 6 декабрь куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

**II. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани ҳокимининг 2013 йил 26 октябрдаги 1/01-286-сонли алоқа хатига, 2012 йил 18 сентябрдаги 1371-сонли ва 2013 йил 12 августдаги 1017-сонли фармойишларига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қуйидаги ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи такроран қўйилмоқда:**

**1.** Ҳаммом ва ҳунармандчилик устахонаси биноларини қуриш учун, Мирзаобод тумани "Тошкент" ҚФЙ Наврўз маҳалласи ҳудудидан 1 дона сатҳи 500 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 134 150 сўм.

**2.** Чойхона объектини қуриш учун, Мирзаобод тумани "Тошкент" ҚФЙ Наврўз маҳалласи "Янгиобод" СИУ Тараққиёт қишлоғи ҳудудидан сатҳи 1000,0 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати -268 300 сўм.

**3.** Савдо дўкони объектини қуриш учун, Мирзаобод тумани "Тошкент" ҚФЙ Наврўз маҳалласи "Янгиобод" СИУ Тараққиёт қишлоғи ҳудудидан сатҳи 500,0 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати -134 150 сўм.

**4.** Маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси объектини қуриш учун, Мирзаобод тумани "Тошкент" ҚФЙ Наврўз маҳалласи "Янгиобод" СИУ Тараққиёт қишлоғи ҳудудидан сатҳи 500,0 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 134 150 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Мирзаобод тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 2014 йил декабрь ойигача амалга оширилиши лозим.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунларида қабул қилинади ва 2013 йил 21 ноябрь куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ДАТ (ОАЖ) "Асакабанк" Сирдарё вилояти филиалидаги 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519. х/рга тўлашлари шарт.

Талабгорларнинг конвертлари Мирзаобод тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 22 ноябрь куни соат 11:00 да очилади, 2013 йил 22 ноябрь куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2013 йил 22 ноябрдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2013 йил 9 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2013 йил 6 декабрь куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Мирзаобод тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 9 декабрь куни соат 11:00 да очилади. 2013 йил 9 декабрь куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

**Талабгорлар буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:**

*- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;*

*- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;*

*- танлов ташкилотчисига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;*

*- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.*

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

**Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили:** Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар 3-мавзе "Бизнес маркази" биноси, 58-хона. Мурожаат учун телефон: (8-367) 226-38-91, расмий сайтимиз: www.1kms.uz. **Лицензия:** RR-0001.

### СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

**I. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани ҳокими биринчи ўринбосарининг 2013 йил 8 октябрдаги 02-7/11-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи қўйилмоқда:**

**1.** Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш нуқталари қуриш учун, Олтинсой тумани "Қорлиқ" ҚФЙ Марказ маҳалласи ҳудудида жойлашган 1, 2, 3, 4 ва 5-сонли, жами 5 дона, ҳар бири 42,0 кв.м.дан бўлган ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 17 376 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Олтинсой тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик) ва 2013 йил 10 декабрь куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Олтинсой тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 11 декабрь куни соат 11:00 да очилади, 2013 йил 11 декабрь куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2013 йил 11 декабрдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2013 йил 27 декабрь ва 2014 йил 15 январь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2013 йил 26 декабрь ва 2014 йил 14 январь кунлари соат 18:00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Олтинсой тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 27 декабрь ва 2014 йил 15 январь кунлари соат 11:00 да очилади, 2013 йил 27 декабрь ва 2014 йил 15 январь кунлари соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

**II. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Сурхондарё вилояти Қизириқ тумани ҳокими биринчи ўринбосарининг 2013 йил 30 октябрдаги 01-14/287-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи такроран қўйилмоқда:**

**1.** Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш нуқталари қуриш учун, Қизириқ тумани "Сариқ" ШФЙ Рабатак маҳалласи ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 350 кв.м., умумий қурилиш майдони 190 кв.м. бўлган 1-мажмуадаги 1, 2, 3 ва 4-сонли, жами 4 дона, ҳар бирининг қурилиш майдони 24 кв.м.дан бўлган ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 14 208 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Қизириқ тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик) ва 2013 йил 26 ноябрь куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Қизириқ тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 27 ноябрь куни соат 11:00 да очилади, 2013 йил 27 ноябрь куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

Юқоридаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2013 йил 27 ноябрдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2013 йил 16 декабрь ва 2014 йил 3 январь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2013 йил 13 декабрь ва 2014 йил 2 январь кунлари соат 18:00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Қизириқ тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 16 декабрь ва 2014 йил 3 январь кунлари соат 11:00 да очилади, 2013 йил 16 декабрь ва 2014 йил 3 январь кунлари соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ХОАББ "Траст банк" Термиз шаҳар филиалидаги: МФО 01063, СТИР 207122519, 20208000004920609027 х/р га тўлашлари шарт.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

**Талабгорлар буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:**

*- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;*

*- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;*

*- танлов ташкилотчисига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;*

*- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.*

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили: Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар Ф.Хўжаев кўчаси 32-уй, "Тадбиркорлар маркази" биноси. (8-376) 227-57-94, www.1kms.uz. user100@inbox.uz. **Лицензия** RR 0001.

### БИЛДИРИШНОМА

**"Биржа" газетасининг 2013 йил 22 октябрдаги 123 (1686)-сони ва "Қишлоқ ҳаёти" газетасининг 2013 йил 22 октябрдаги 127-сонида "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Фарғона вилояти филиали томонидан берилган хабарномадаги 2013 йил 29 ноябрь кунга белгиланган танлов савдосига қўйилган:**

**1.** Минифутбол майдони ва ювиниш хоналари қуриш учун, Фарғона тумани Ю.Водил ҚФЙ Шаршара кўчаси 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дона танланган умумий ер майдони 1 200 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи;

**2.** Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун, Фарғона тумани Ю.Водил ҚФЙ Шаршара кўчаси 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дона танланган умумий ер майдони 200 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи учун танлов савдолари тўхтатилганини маълум қилади.

**Асос:** Фарғона тумани ҳокимлигининг 2013 йил 1 ноябрдаги 606-01-16/1-сонли хати.

# УЗОҚНИ ЯҚИН, ЙЎЛОВЧИЛАРНИ МАМНУН ҚИЛИБ

## МАМЛАКАТИМИЗДА АҲОЛИГА КЎРСАТИЛАЁТГАН АВТОТРАНСПОРТ ХИЗМАТЛАРИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

**Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги Невич қишлоғида яшовчи Абдулҳай ака Расулов ҳар икки-уч кунда бир маротаба юмуш билан Тошкент шаҳрига келиб кетади. У шахсий автомашинаси бўлишига қарамай, жамоат транспорти хизматидан фойдаланади. Унинг айтишича, ҳозирги пайтда йўловчиларда танлаш имконияти ғоят кенг. Ҳар бир йўловчи истаса автобусда, истаса йўналишли ёки йўналишсиз таксида ўз манзилига бехатар етиб олади. Энг муҳими, ушбу автотранспорт турларининг барчаси замонавий, қулай ва тезюрардир.**



Абдулҳай аканинг сўзларини бошқа вилоятларда яшовчи юртдошларимиз ҳам тасдиқлаши мумкин. Зеро, мамлакатимизда мустақиллик йилларида автомобиль транспортида йўловчилар ташиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган изчил ислоҳотлар самарасида мазкур инфратузилма жадал ривожланмоқда. Олис қишлоқларни вилоятлар марказлари ва пойтахтимиз билан боғловчи янги йўналишлар ташкил этилиб, замонавий автобус, микроавтобус ҳамда таксилар қатнови йўлга қўйилаётир. Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 9 мартда қабул қилинган "Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида"ги Қарори бу борада муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги вакиллари иштирокида ўтказилган навбатдаги матбуот анжуманида шу ҳақда атрофлича сўз юритилди. Агентлик ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбари С.Сагатовнинг маълум қилишича, аҳолига автотранспорт хизматларини кўрсатаётган юридик шахслар сони 2006 йилга қадар атиги 314 тани ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич бугунги кунда 2470 тага етди. Бу эса соҳада амалга оширилаётган кенг қамровли ишларни ифодаловчи рақамлардан бири, холос.

### ТЕЗЮРАР ВА ҚУЛАЙ УЛОВЛАР

Ангрен автостанциясидан тонготар пайти қўзғалган "Исузу" автобуси пойтахтимизга кириб келганида, қуёш нурлари эндигина осмонга ёйилган эди. Самарқанд шаҳрида ишлаб чиқарилаётган ва аксарият тадбиркорлик субъектлари томонидан лизинг шартлари асосида сотиб олинаётган "Исузу" русумли автобуслар шу тариқа йўловчилар узоғини яқин қилиб келяпти.

Жорий йилнинг 21 октябрь ҳолатига кўра, Тошкент шаҳрида 65 та, Фарғона вилоятида 60 та, Хоразм ва Самарқанд вилоятларида 47 тадан, Жиззах вилоятида 36 та, Бухоро вилоятида 34 та, Тошкент вилоятида 33 та, Қашқадарё вилоятида 29 та, Навоий вилоятида 17 та, Андижон ва Сурхондарё вилоятларида 15 тадан, Қорақалпоғистон Республикасида 8 та, Сирдарё вилоятида 2 та шундай русумли автобус харид қилинган. Улар айни пайтда тегишли шаҳар ва қишлоқлар йўналишларида мунтазам ҳаракатланмоқда.

Аҳолини мамлакатимизнинг бир ҳудудидан бошқа ҳудудига автобуслардан ҳам тезроқ етказиб қўйишда йўналишли таксиларнинг хизмати катта. Обод турмуш йилида биргина Тошкент вилояти миқёсида шундай таксилар қатнови учун янги 42 та йўналиш ташкил этилди. Мазкур тезюрар уловларда мақбул йўналишлар орқали қисқа вақт давомида ўз манзилларига етиб олаётган йўловчилар бундан мамнун.

Вилоятлар ва туманлар марказлари билан пойтахтимиз оралиғидаги масофани тобора қисқартиришга хизмат қилувчи яна бир автотранспорт воситаси, бу — йўналишсиз таксилардир. Тошкент шаҳрида фил суяги рангига, вилоятларда эса сариқ рангга бўялган "Ласетти", "Нексия", "Матиз", "Дамас" русумли енгил автомашиналар йўналишсиз таксилар сифатида лицензияланган. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигидан маълум қилишларича, бугунги кунга қадар республикамизда йўналишсиз таксилар учун 289 та махсус тўхташ жойи барпо этилди. Йил охиригача уларнинг сонини 300 тага етказиш кўзда тутилмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майда қабул қилинган "Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатишни янада такомиллаштиришга қаратилган.

### СОҒЛОМ РАҚОБАТ — СИФАТЛИ ХИЗМАТ

Айни пайтда автотранспорт хизматлари бозорида соғлом рақобатни ривожлантиришга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Бу бежиз эмас. Чунки айнан соғлом рақобат муҳити соҳада хизматлар салмоғи ва сифатини тобора оширишда муҳим ўрин тутади.

Агар 2000 йилда мамлакатимизда йўловчилар ташишга мўлжалланган 2000 тага яқин йўналишлар фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 4236 тага етди. Ушбу йўналишларнинг 4126 таси ёки 97,4 фоизи очиқ тендерлар орқали ташкил этилган. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида республикамизда жами 97 та очиқ тендер ўтказилди. Уларда 880 та, жумладан, 111 та шаҳар ичидаги, 620 та шаҳар атрофидаги, 63 та шаҳарлараро-вилоятлар ичидаги ва 86 та шаҳарлараро-вилоятлараро йўналишлар ташкил қилингани эътиборга молик.

Аҳолига, айниқса, қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган автотранспорт хизматлари сифатини янада ошириш мақсадида бугунгача 137 та йўналишда қатновлар амалга оширилмоқда. Ушбу йўналишларга бириктирилган автомобиллар сони эса 1025 тага кўпайтирилган.

Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш йўналишида ҳам самарали ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари томонидан жорий йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида хўжалик юритувчи субъектларга 2309 та лицензия ҳамда 140455 та лицензия варақалари берилгани йўловчиларга амалдаги қонунчилик доирасида сифатли хизмат кўрсатилишини кафолатлайди. Қайд этиш жоизки, йўловчилар ташиш фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотларда автомобилларни техник кўрикдан, ҳайдовчиларни эса шифокор назоратидан ўтказиш амалиёти йўл ҳаракатининг барча иштирокчилари ҳаётини турли хавф-хатарлардан ҳимоялашни кўзда тутади.

— 2013 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, 240 та корхона ва ташкилот вилоятимиз ҳудудида йўловчилар ташиш фаолияти билан шуғулланади, — дейди Тошкент вилояти ҳокимлиги йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти бошлиғи вазифасини бажарувчи Ш.Назаров. — Уларга бу борада тегишли лицензиялар берилган. Вилоятимизда ҳозирги кунда 685 та йўналиш мавжуд бўлиб, уларнинг 384 таси йўналишли такси, 301 таси эса автобус йўналишларидир. Бундан ташқари, сариқ рангга бўялган 779 та енгил автомашина йўналишсиз таксилар сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Обод турмуш йилида вилоятлар марказларидаги 10 та автовокзал ва 4 та автостанция ҳудудларини ободонлаштириш мақсадида 1 миллиард 249 миллион сўм маблағ сарфлангани йўловчилар манфаати доимо устун эканидан далолатдир. Автовокзал ва автостанцияларда автобусларнинг жўнаш вақтлари мувофиқлаштирилгани, йўловчилар, айниқса, кексалар ва ёш болали оналар учун кўплаб шароитлар яратилганини ҳам шу тариқа изоҳлаш мумкин.

Мухтасар айтганда, соҳада амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолиятини такомиллаштиришга, бинобарин, аҳолига хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини янада юксалтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

**Сайидодил САЙИДИСЛОМОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**




▼ ФУТБОЛ

# ЧЕМПИОН ЖАМОА НОМИ СЎНГГИ ТУРДА АНИҚЛАНАДИ

**Футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатининг 25-тур учрашувлари бўлиб ўтди. Ушбу турда олий лигани тарк этувчи жамоалардан бирининг номи аниқланиши ва чемпион жамоанинг номи ойдинлашиши кутилган эди.**

Турнинг барча учрашувлари бир вақтда бошланди. Марказий ўйин Қарши шаҳрида мусобақа етакчилари — Тошкентнинг "Бунёдкор" ҳамда Қаршининг "Насаф" клублари ўртасида бўлиб ўтди. Учрашувдан аввал энг яқин таъқибчисидан 4 очко илгарилаб, чемпионатда карвонбошилик қилаётган "Бунёдкор" жамоаси чемпионлик тақдирини муддатидан олдин ҳал этиш имкониятига эга эди. Бироқ Қарши шаҳри жамоаси ғалаба қозониб, бу масалани сўнгги турга қолдирди. Учрашувда "Насаф" жамоаси сардори Артур Геворкян томонидан киритилган ягона гол эвазига, мезбонлар қимматли 3 очкога эга бўлишди. Энди чемпионат пешқадами билан уларнинг орасида бир очколик фарқ бор, холос.



"Насаф"нинг ғалабаси билан параллел равишда совринли ўринларга даъвогарлик қилаётган Тошкентнинг "Локомотив" жамоаси ҳам ўз майдонида Наманганнинг "Навбаҳор" жамоасини мағлуб этди: 3:0. Таянч ҳимоячи сифатида танилган Ислом Тўхтахўжаев учрашувда иккита голга муаллифлик қилди. Бу ўз амплуасини ҳужумкор ярим ҳимоячига ўзгартирган Тўхтахўжаевнинг сўнгги учта ўйиндаги бешинчи голидир.

Амалдаги чемпион "Пахтакор" (Тошкент) эса мазкур турда "Шўртан" (Ғузор)ни 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратганига қарамай, сўнгги ўн икки йил ичида илк маротаба совринлардан қуруқ қоладиган бўлди. 2001 йилдан буён еттита олтин, тўртта кумуш ва битта бронза медаль жамғарган "Пахтакор" чемпионатнинг сўнгги турида ғалабага эришса ҳам тўртинчи поғонадан кўтарила олмайди.

"Пахтакор"га йирик ҳисобда ютқазган "Шўртан"нинг чемпионатни сўнгги поғонада якунлаши ва келаси мавсумни қуйи лигада бошлаши аниқ бўлди.

Шунингдек, келаси мавсумни қуйи лигада бошлашга "Гулистон" жамоаси энг яқин номзод бўлиб турибди.

Қолган жамоалар ўртасидаги учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди:

"Гулистон" (Гулистон) – "Динамо" (Самарқанд) – 0:2.
"Қизилқум" (Зарафшон) – "Олмалиқ" (Олмалиқ) – 4:2.
"Сўғдиёна" (Жиззах) – "Бухоро" (Бухоро) – 1:1.
"Металлург" (Бекобод) – "Нефтчи"(Фарғона) – 0:0

**Сўнгги тур олдидан турнир жадвали қуйидагича кўриниш ҳосил қилган:**

| № | ЖАМОА | Ў | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|
| 1 | "Бунёдкор" | 25 | 57-13 | 58 |
| 2 | "Локомотив" | 25 | 62-21 | 57 |
| 3 | "Насаф" | 25 | 62-25 | 57 |
| 4 | "Пахтакор" | 25 | 43-23 | 53 |
| 5 | "Олмалиқ" | 25 | 44-41 | 39 |
| 6 | "Бухоро" | 25 | 33-43 | 33 |
| 7 | "Металлург" | 25 | 33-42 | 32 |
| 8 | "Нефтчи" | 25 | 28-29 | 30 |
| 9 | "Динамо" | 25 | 26-36 | 29 |
| 10 | "Сўғдиёна" | 25 | 34-52 | 28 |
| 11 | "Навбаҳор" | 25 | 28-46 | 26 |
| 12 | "Қизилқум" | 25 | 25-46 | 22 |
| 13 | "Гулистон" | 25 | 26-59 | 20 |
| 14 | "Шўртан" | 25 | 19-44 | 16 |

**8 ноябрь куни ўтказиладиган 26-тур баҳсларида эса жамоалар қуйидаги тартибда рўбарў келишади.** *(Барча учрашувлар бир вақтда 14:00 да бўлиб ўтади)*

"Динамо" —"Нефтчи"
"Шўртан"— "Металлург"
"Навбаҳор" — "Пахтакор"
"Бухоро" — "Локомотив"
"Сўғдиёна" — "Бунёдкор"
"Олмалиқ" — "Насаф"
"Гулистон" — "Қизилқум"

**Азиз НУРУЛЛАЕВ**

○ Реклама ва эълонлар

ООО "KOREA AUTOMOTIVE GAS TECHNOLOGY" (ИНН 207138394) в связи с выходом из состава участников "Учредителей" и внесения дополнительного вклада в Общество объявляет об уменьшении уставного фонда с 178 955,75 долларов США до 175 084 долларов США. Претензии принимаются по адресу: г. Ташкент Яккасарайский р-н ул. Абдуллаева д. 6 оф. 18.

Тошкент шаҳар Учтепа т. ТСРЎИда (26.06.2008 й., реестр № 0105762) рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор Ашуров Шухрат Файзуллаевичга (ИНН 480309384) тегишли Гувоҳнома (Патент) йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО "NORMAXMAT FAYZ BARAKA" (ИНН 302445891) зарегистрированное ИРСП Сергелийского р-на г. Ташкента (реестр № 003675-06, 24.12.2012 г.) почтовый адрес: массив Куйлюк-6 д. 19 кв. 43 сообщает о том, что предприятие приостанавливает свою деятельность и самоликвидируется. Претензии принимаются по тел.: (99894) 684-38-98 в течении 2-х месяцев.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (07.02.2013 й., реестр № 000679-01) рўйхатдан ўтган "VIP STROY KOMFORT" МЧЖ (ИНН 205679919) Сергели т. ТСРЎИда (22.09.2009 й., реестр № 002211-06) рўйхатдан ўтган "SUNRISE TREASURE" МЧЖга (ИНН 301324164) бирлаштирилади (қўшилади).

ООО "WOMAN-SAN" (ИНН 301293649) сообщает об уменьшении Уставного фонда с 3 761 000 000 сум до 3 100 121 000 сум. Кредиторы имеют право предъявлять претензии в течение тридцати дней с даты опубликования настоящей информации по адресу: г. Ташкент, Сергелийский р-н, ул. Безакчилик, 18-А.

Тошкент ш. Мирobод т. ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "TOXIR OSIYO" МЧЖ Устав фонди 5 583 392 сўмдан 3 700 000 сўмга камайтирилганини маълум қилади.

Утерянный план и договор купли-продажи реестр 27-280 ТГНК на кв-ру по адресу: Чиланзар-7-8-23 выданный БТИ Чиланзарского р-на на имя Чикиной Натальи Александровны, считать недействительными.

ООО "BEKTEMIR AVTO MASH" (ИНН 206740193) в связи с выходом из состава участников — Туляганова Отабека Нигмановича и уменьшения доли в уставном фонде — участника Общества Туляганова Ганихана Насировича объявляет об уменьшение уставного фонда с 471 095 000 сум до 430 625 302 сум. По всем вопросам обращаться по адресу: г. Ташкент, Бектемирский р-н, ул. Ж.Остонова, д. 2.

ООО "MEHRINISO INVEST" зарегистрированное (реестр № 006791-11, 22.08.2012 г.) в Яккасарайском р-не, сообщает об уменьшении Уставного фонда на сумму 135 599 917,57 т. с ноября 2013 г. будет установлен Уставный фонд в размере 1 208 571 732,43 т.

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати" ДУК томонидан Тошкент ш. Чилонзор т. Т.Тўла кўч. 71-уй манзилида жойлашган "BESH YOG'OCH DEHQON BOZORI" МЧЖ (ИНН 300945209) номига 06.08.2012 й.да берилган ТА № 1577434 серияли бино кадастр Гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Бектемир т. ТСРЎИ томонидан (15.04.2011 й., реестр № 001027-02) рўйхатга олинган "TRES FACIUNT COLLEGIUM" МЧЖ (СТИР 301954379) буйруғига асосан ўз-ўзини тугатиш жараёнида эканлигини маълум қилади. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой муддатда (+99891) 190-96-63 тел. рақамида қабул қилинади.

Тошкент ш. Бектемир т. ТСРЎИ томонидан (09.08.2010 й., реестр № 000917-02) рўйхатга олинган "GRAIN" МЧЖнинг (СТИР 203454203) устав фонди 22 000 000 сўмдан 11 000 000 сўмга камаётганини маълум қилади. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой муддатда қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш. Бектемир т. Олтинтопган кўч. 33-уй.




Утерянную справку № 5215 от 24.10.2013 г. выданную кадастровой службой Учтепинского р-на г. Ташкента по адресу: Учтепинский р-н квартал 22 д. 27 кв. 18 на имя Ахмедова Ахмада Холматовича, считать недействительной.

ООО "OSIYO-KOMPRESSOR-LITMASH" (ИНН 202989882) реорганизуется путем присоединения к ООО "MCARTELE" (ИНН 205942440) ООО "MCARTELE" является правопреемником ООО "OSIYO-KOMPRESSOR-LITMASH" в отношении всех его кредиторов и должников, включая обязательств, оспариваемых сторонами. Претензии кредиторов принимаются по адресу: г. Ташкент Чиланзарский р-н ул. Катартал, 60.

Утерянный аттестат № 1151970 выданный в 2001 г. школой № 224 Алмазарского р-на г. Ташкента на имя Alimova Shoxijaxona Islamdjanovicha, считать недействительным.

ЧП "FOTO-MEDIA" (ИНН 302725471) зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Учтепинского р-на г. Ташкента (№ 006067, 09.10.2013 г.) расположенное по адресу: г. Ташкент, Учтепинский р-н, массив Чиланзар-11, д. 50 А кв. 5, ликвидируется в связи с неосуществлением финансово-хозяйственной деятельности с момента гос. регестрации. (Решение собственника от 28.10.2013 г.). Претензии принимаются в течение 1 месяца со дня публикации объявления.

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати" ДУК томонидан "SOTA GROUP PLUS" Хусусий корхонаси номига 12.04.2010 й.да берилган ТА № 0933210 сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
















"AMAL HOLDING" МЧЖ (СТИР 301814472) ўз низом жамғармасини 205 822 628 сўмдан 159 039 958 сўмга камайтирилишини маълум қилади.

ЧП "TASH TEL SAVDO" (ИНН 302465338) расположенное в М.Улугбекском р-не г. Ташкента сообщает о реорганизации в ООО "TASH TEL SAVDO".

Утерянную гувохному № 004718 и устава ТЧСЖ выданную хокимиятом Чиланзарского р-на 23.03.2009 г. на ТЧСЖ "SEMURG'-LOCHIN" (ИНН 206994566) считать недействительным.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Улуғбек УЗОҚОВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-44-43, Факс — 233-44-43, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 401-29-59; Жиззах – (+99890) 297-44-09; Навоий – (+99891) 537-14-36; Наманган – (+99890) 278-95-87; Фарғона – (+99890) 407-76-03; Самарқанд – (+99891) 537-24-95; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.

Навбатчи муҳаррир: Н.ТИЛЛАЕВ
Мусаҳҳиҳ: О.ОЧИЛОВ
Дизайнер: Ф.ТОИРОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Буюртма Г-1114, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.35
15396 нусхада босилди. Нашр индекси — 144
Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
E-mail: info@qishloqhayoti.uz
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4 5